

---

## Президент қарори амалда | "Ҳайит" кўчаларининг 2.2 км қисми равон бўлди

Фурқат туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари жадал суръатда давом этмоқда.

Давлат раҳбарининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сон қарорига асосан "Ҳайит" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ички кўчаларни асфальтлаштириш ишлари олиб борилди.

Боғишамол, Наврўз, Янги ҳаёт, Хонариқ, Дўстлик, Тегирмонбоши кўчалардан ўтувчи асосий шох кўчанинг 1700, Абадиёт кўчасининг 500 метр қисми асфальтланди.

"Улуғ айём кунларида бизнинг маҳаллада улуғ ишлар олиб борилмоқда." - Аҳоли вакиллари маҳаллаларнинг қиёфаси тобора кўркамлашиб бораётганидан мамнун.

2023-04-14 18:27:17